

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 2 июль, № 129 (6564) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ИСЛОҲОТЛАР ВА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ САМАРАЛАРИ



**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида 30 июнь — 1 июль кунлари Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятларида бўлди.**

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига сафарининг иккинчи куни Қарши туманидаги “Шукрона” фермер хўжалиги даласига ташриф буюрди.

Қашқадарёлик деҳқонлар бу йил 145 минг гектар майдонда ғалладан мўл ҳосил етиштирди. Шу кунларда ўрим-йиғим ишлари қизғин давом этмоқда. “Шукрона” фермер хўжалиги ҳам алоҳида фаоллик кўрсатаяпти. Мўлжал 20 гектар ғалланинг ҳар гектаридан 65 центнердан ҳосил олишдир.

Фермер ва деҳқонларимиз учун масъулиятли бўлган шу кунларда сизларнинг ёнингизга келиб, дилдан суҳбатлашиш, ҳол-аҳвол сўраш, ҳорманг, дейиш менга катта мамнуният бағишлайди, деди Юртбошимиз.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аграр соҳада туб ислоҳотлар амалга оширилгани, ерга, меҳнатга муносабат ўзгаргани, деҳқончилик маданияти юксалгани туфайли қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштирилаётир.

Бугунги кунда Қашқадарё ҳар томонлама ривожланган вилоятлардан бирига айланди. Мамлакатимиз ғалла хирмонининг 12 фоизи, пахтанинг қарийб 15 фоизи шу вилоятда етиштирилмоқда. Бу йил ғалла ҳосилдорлиги гектарига ўртача 62 центнерни ташкил этаётгани ҳам қашқадарёлик миришкорларнинг фидокорона меҳнати ва омилкорлиги самарасидир.

Президентимиз раҳнамолигида Қашқадарё вилоятида улкан бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Қарши шаҳрида янги йўл ва кўприклар, кўп қаватли уй-жойлар, боғ ва хиёбонлар, хизмат кўрсатиш объектлари бунёд қилинди ҳамда бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Аҳолининг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шароит ва қулайликлар яратилмоқда.

Шаҳрисабзда ҳам кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Оқсарой мажмуаси атрофидаги майдон кенгайтирилиб, Чорсу бозори, Кўкгумбаз, Дорут-тиловат, Дорус-саодат обидаларини боғловчи сўлим хиёбон барпо қилинди. Шаҳарнинг сайёҳлик салоҳиятини янада ошириш мақсадида Қарши шаҳрига борадиган 129 километрлик замонавий йўл қурилмоқда.

Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларини ҳар томонлама обод қилиш учун катта маблағ ва ресурслар ажратилган, деди Ислом Каримов. Шаҳарлар қиёфаси, инфратузилмаси шунга мос бўлиши керак. Мақсадимиз — аҳолимиз учун барча замонавий шароитларни яратиш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтиришдир. Шу билан бирга, бугун амалга ошираётган ишларимиз келажак авлодларимизга ҳам хизмат қилсин.

— Мустақиллигимизнинг ҳар бир йили, айтиш мумкинки, ҳар бир ойи тарихий воқеаларга, улкан муваффақиятларга бой бўлмоқда, — деди “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими раиси Январ Иноятов. — Буни ҳар қадамда ҳис этаяпмиз, барча вилоятлар мисолида кўраяпмиз. Яқинда Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ишга туширилганини телевизор орқали кўриб, ҳаммамиз чексиз қувондик. Уни аср мўъжизаларидан бири деганларича бор. Ниҳоятда қисқа муддатда — атиги 32 ойда 123,1 километрлик темир йўл ва 19 километрдан зиёд туннель қуриш ҳазилакам ишми?! Бундай улкан лойиҳаларни иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қудратли давлатгина амалга ошира олади.

Президентимиз фермер ва ишчиларнинг меҳнат қилиши ҳамда дам олиши учун яратилган имкониятлар, оилавий шароитлари билан қизиқди. Намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар халқимиз турмуш даражасини, дунёқарашини, маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

“Шукрона” фермер хўжалиги раҳбари Ҳотам Жумаев, “Абдиев Мажид” фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Суюн Абдиев, Ғузор туманидаги “Зарбдор” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раъно Жонқувватова, Шаҳрисабз педагогика коллежи ўқитувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Шаҳноза Холмаҳматова, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида бутун мамлакатимизда бўлгани каби Қашқадарё вилоятидаги тараққиёт, ўзгаришлар одамларнинг ҳаёт даражасини ошираётгани, ўз мустақил фикрига, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга ёшлар катта ютуқларга эришаётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига сафари давомидаги учрашув ва мулоқотлар, уларда билдирилган фикрлар амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини муттасил юксалтиришга хизмат қилаётганини яна бир бор намоён этди.

**Анвар САМАДОВ,**
**Ўлмас БАРОТОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# «ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИГА 25 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз истиқлолининг 25 йиллигини кенг нишонлаш муносабати билан ҳамда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, демократик ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувликни, тинчлик ва барқарорликни асраш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:

1. «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони таъсис этилсин.

2. «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш. Мирзиёев) бир ой муддатда «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишонлари ва уларнинг гувоҳномаларини белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Д. Назармухамедов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 1 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2016 йил 1 июлдаги ПФ-4807-сонли
Фармонига 1-илова

## «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, демократик ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувликни, тинчлик ва барқарорликни асраш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳалари вакиллари, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда бошқа шахслар тақдирланади.

2. «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, вазирлик, идора ва жамоат бирлашмаларининг республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, бунга вакил қилинган бошқа шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга унинг гувоҳномаси берилади.

4. «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2016 йил 1 июлдаги ПФ-4807-сонли
Фармонига 2-илова

## «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишонининг ТАВСИФИ







«Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Эсдалик нишонининг олд томони марказида қуёш нурлари фонида Мустақиллик майдонида жойлашган Мустақиллик ва эзгулик монументида акс эттирилган Бахтиёр она ҳайкали тасвирланган. Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб зарҳал ҳошия билан ўралган оқ эмалли доирада «O‘ZBEKISTON MUSTAQILLIGIGA» сўзлари, пастки қисми марказида эса иккита саккиз қиррали юлдуз оралиғида «25 YIL» ёзуви акс этган. Ёзувлар зарҳалланган.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби, пастки қисмининг марказида «2016» ёзуви тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзувлар қабариқдир.

Эсдалик нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қабариқ доира билан ўралган.

Эсдалик нишони илгакчалар ва ҳалқача ёрдамида тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағич билан туташтирилган. Қадағич Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангларидаги, эни 20 миллиметрли шойи лента билан қопланган.

Қадағичнинг бўйи — 16 миллиметр, эни — 25 миллиметр.

Қадағичнинг орқа томонига эсдалик нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг маънавий ҳаётимизда эзгулик, шукроналик, меҳр-оқибат каби олижаноб қадриятларни қарор топтиришдаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб, миллий-диний анъаналаримизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида”ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2016 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 6 июль чоршанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини эътиборга олиб, 2016 йил 6 июль дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика “Нуроний”, “Маҳалла” жамғармалари ва бошқа мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитини жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтказиш учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 1 июль

**2 июль — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун**




*Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари — байроқ, герб, мадҳия халқимизнинг шон-шарафи, маънавий-маданий мероси, миллий анъана ва қадриятлари, ор-номуси, ғурури, тарихий хотираси ҳамда орзу-интилишларини ўзида мужассам этган. Уларни эъзозлаш, асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш бугун юртдошларимиз зиммасидаги муқаддас, шарафли бурчга айланган.*

# Истиқлолимиз рамзи, ифтихоримиз тимсоли

Бундан роппа-роса 24 йил муқаддам — 1992 йил 2 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Халқимиз ўзи истаган ҳамда танлаган йўл — озод ва обод Ватан, эркин ҳамда фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида яна бир муқаддас рамзга эга бўлди.

Гербимиздаги ҳар бир ранг, чизиқ, белги теран рамзий маънога эга. Ўнг томондаги пахта ва ғарқ пишган буғдой бошоқлари халқимизнинг меҳнати ҳалол, ризқи бутун эканлигини ифодалайди. Гербнинг юқори қисмида мамлакатимиз жипслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган. Унда ўз ифодасини топган яримой қўлга киритилган мустақиллигимизни, юлдуз эса халқимиз ҳамиша комилликка интилиши ҳамда саодатга элтувчи йўлни танлаганини билдиради. Давлат гербидаги яшил водий узра қуёш нур сочаётган тасвир туширилган. Баланд тоғлар оралаб оқаётган дарёлар — авлодлар оша яшаб келаётган мангу қувват тимсоли, халқимиз кўзлаган юксак марралардан далолат беради. Герб марказида ҳиммат, олижаноблик ва фидойилик тимсоли бўлган афсонавий Ҳумо қуши қанотларини ёзиб турибди. У қадимдан бахт ҳамда давлатмандлик рамзи, эрк, саодат, ҳиммат, олижаноблик, омад тимсоли ҳисобланган. Ҳазрат Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” достонида Ҳумони бахт ва иқбол, эзгулик ҳамда улуғворлик келтирувчи қуш сифатида тасвирлаган. Ушбу рамзлар ва тимсоллар халқимизнинг тинчлик, яхшилик, бахт-саодат, фаровонлик йўлидаги орзу-умидларини ифодалайди. Давлатимиз гербида гуллаган водий узра нур сочаётган қуёш тасвири заминимизнинг серқуёшлигига, халқимиз интилаётган нурафшон манзилларга ишорадир. Гербнинг пастки қисмидаги республика Давлат байроғини ифодаловчи уч рангдаги чамбар бандига “Ўзбекистон” сўзи битилган. Бу билан нафақат мамлакатимиз мустақиллиги мустаҳкамланди, балки халқимиз ўзи истаган ва танлаган йўлда яна бир муқаддас тимсолга эга бўлди.

**(Давоми 2-бетда).**

# ШҲТ ривожланишининг янги қирралари халқаро экспертлар нигоҳида

**«Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил этилганидан буён ўтган 15 йил давомида ҳақли равишда нуфузли халқаро ташкилотлар қаторидан муносиб жой олди, барқарор тараққиёт, тинчликни мустаҳкамлаш, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш, минтақавий ва глобал даражада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг таъсирчан омилига айланди».**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзлаган нутқидан, 2016 йил, июнь.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарларининг учрашувлари нафақат минтақа, балки умумжаҳон миқёсида ҳам борган сари муҳим аҳамиятга эга бўлган воқеа сифатида талқин этилмоқда. Бу, шубҳасиз, мазкур тузилманинг салоҳияти ҳамда обрў-эътибори тобора ошиб бораётганидан далолат беради. Тез ўзгарувчан умумбашарий вазиятда, янги таҳдид ва хавф-хатарлар юзага келаётган бир шароитда олий даражадаги мунтазам мулоқот хавфсизликнинг ўта муҳим муаммолари ҳамда халқаро ривожланиш бўйича ШҲТ мамлакатларининг нуқтаи назарларини мувофиқлаштиришга кўмаклашаяпти.

Яқинда Тошкентда ниҳоясига етган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ўн бешинчи, юбилей саммити ҳам бундан мустасно бўлмади. Унда ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари билан бирга, кузатувчи мамлакатларнинг етакчилари, ШҲТга раислик қилаётган томон меҳмони — Туркманистон Президенти, шунингдек, ШҲТ Бош котиби ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори қатнашди. Шунингдек, саммитда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ўринбосари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия котиби, АСЕАН ҳамда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти бош котиблари, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг ижроия директори ҳам иштирок этди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкент мажлиси юқори даражада ўтгани, унинг якунлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг аҳамияти ҳамда мазкур саммит йилнинг энг муҳим сиёсий воқеаларидан бирига айланганини халқаро экспертлар ҳамжамияти томонидан ҳам ўз эътирофини топмоқда.

Хусусан, **Ўрта Ер денгизи ва Осиё мамлакатларини ўрганиш институти бош котиби (Италия) Антонио Локке**нинг фикрича, Ўзбекистоннинг ШҲТдаги раислиги ушбу ташкилотнинг халқаро майдондаги нуфузини сезиларли даражада оширди.

— Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги давридаги фаолияти минтақа сиёсий ўсишининг ҳамда иқтисодий тараққиётининг маркази сифатида бу мамлакатга бўлган қизиқишни кучайтирди, — дея баёнот берди италиялик олим. — ШҲТнинг 2025 йилгача ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режаси ташкилотнинг сиёсат, иқтисодиёт, маданият ва хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқишга замин ҳозирлади.

**Шанхай халқаро тадқиқотлар академияси ҳузуридаги Марказий Осиё мамлакатларини ўрганиш маркази директори ўринбосари Цянь Сяоюн**нинг эътирофича, 2015-2016 йилларда ҳам Ўзбекистон ШҲТ ривожланишини илгари суриш мақсадида кенг кўламли ишларни ҳаётга татбиқ этди.

— ШҲТ фаолияти унга аъзо давлатларнинг биргаликда гуллаб-яшнаши учун янги имкониятларни очмоқда, — деди Ц. Сяоюнь. — Дарҳақиқат, ташкилотнинг масъулият ҳудуди ресурсларга ўта бой ҳамда улкан бозорга эга бўлган Европа ва Осиё қитъасини қамраб олган. Шу боисдан унинг савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш салоҳияти ниҳоятда каттадир. Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги давридаги саъй-ҳаракатлари тузилма ривожланишига жуда катта туртки берди.

**Берлиндаги Каспий минтақасини ўрганиш маркази катта илмий ходими Матиас Дорнфельд**нинг айтишича, Ўзбекистоннинг ШҲТ доирасида кўп қиррали алоқаларни мустаҳкамлашга бўлган интилиши унинг раислигидаги устуворликларда ҳамда мамлакат раҳбарларининг тегишли ташқи сиёсий ташаббусларида ўз ифодасини топди.

— Ўзбекистон томонидан ШҲТнинг ҳар бир мамлакат манфаатларини ҳисобга олинган ҳолда, очиқ ва тенг ҳуқуқли мулоқот учун минбар сифатидаги ўрни ҳамда аҳамиятини халқаро майдонда мустаҳкамлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар алоҳида эътиборга сазовордир, — деди немис эксперти. — Ташкилот доирасидаги ҳамкорликни равнақ топтириш нуқтаи назаридан транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, минтақа мамлакатларининг улкан транзит салоҳиятини тубдан кенгайтириш бўйича Ўзбекистон ташаббуслари ҳам диққатга молик.

Экспертнинг ишонч билдиришича, транспорт ва энергетика йўлакларини яратиш ҳисобидан Марказий Осиё Европа ҳамда Осиё ўртасида "кўприк" вазифасини ўташи мумкин.

— Шу жиҳатдан аёнки, бугунги кунда иқтисодиётини янада тараққий эттириш учун Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари олдида кенг истиқболлар очилмоқда, — деди М. Дорнфельд. — Бу, шубҳасиз, умумбашарий жараёнларда ҳам ижобий ифодасини топади.

**Шанхай Ижтимоий фанлар академияси президенти Ван Чжан (ХХР)** иштирокчилари доирасининг кенглиги, тадбирлар кўламининг катталиги, йил давомида амалга оширилган ишларнинг пухталиги ва имзоланган якуний ҳужжатлар нуқтаи назаридан, Ўзбекистоннинг ШҲТдаги раислиги ташкилот тарихида катта из қолдирганини таъкидлади.

— Турли таҳдид ва хавф-хатарлар сақланиб турган бир шароитда трансчегаравий уюшган, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган ҳамда иқтисодий жиноятчиликка қарши биргаликда кураш олиб бориш, чегара хавфсизлигини мустаҳкамлаш ШҲТнинг энг муҳим йўналишларидан бўлиб қолаётгани ушбу тузилма иштирокчилари учун ўта муҳимдир, — деди хитойлик эксперт. — Ўзбекистон пойтахтида имзоланган ШҲТнинг 2025 йилгача ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2016 — 2020 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режасидан ташқари, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг янада ривожланишида "йўл харитаси" бўлиб қоладиган Тошкент декларацияси ва Ҳиндистон ҳамда Покистоннинг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги ҳужжатлар, ўз моҳиятига кўра, жуда муҳим ҳисобланади.

**Осиё Стратегия ва етакчилик институти президенти ўринбосари Макс Сэй (Малайзия)** Тошкент саммитида Ҳиндистон ва Покистоннинг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар имзоланганини тарихий аҳамиятга молик воқеа, деб баҳолади.

— Яқин истиқболда бу мамлакатларнинг ШҲТдаги мақоми ошиши ташкилот салоҳиятини янада юксалтиради, унинг халқаро майдондаги ўрни бундан-да мустаҳкамланишига, энг аввало, хавфсизлик ҳамда барқарор тараққиётдаги долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига янги туртки беради. Бу билан ШҲТнинг умумбашарий хавфсизлик қурилишидаги роли ва аҳамияти беқиёс даражада ортади, — деди мутахассис.

**Жавоҳарлаъл Неру номидаги университетнинг (Ҳиндистон) Осиё ички тадқиқотлари маркази директори Шарад Сони** Ҳиндистон мажбуриятлари тўғрисидаги Меморандумнинг имзоланганини мамлакатни ушбу нуфузли халқаро ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзолигига яқинлаштириши ҳамда бунда Ўзбекистоннинг хизмати катта эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Умуман олганда, Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги, шубҳасиз, ШҲТ бутун тарихидаги энг яхши раислик ва у барча учун бениҳоя самарадор ҳамда муваффақиятли бўлди, — дея баёнот берди ҳиндистонлик эксперт.

Ш. Сонининг ишонч билан айтишига қараганда, Ҳиндистон иқтисодиёт соҳаси ва хавфсизлик жабҳасидаги ҳамкорлик жуғрофияси кенгайиши туфайли ҳам ШҲТга қўшилишдан фақат ютади. "Шанхай ҳамкорлик ташкилотидаги ҳамкорлик доирасида Ҳиндистон ҳамда Покистон нафақат икки томонлама аҳамиятга молик масалаларда, балки бутун Жанубий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашда ҳам яқиндан ҳамда муваффақиятли иш олиб бориши мумкин", деди у.

Покистонлик эксперт — **ХХР ва Марказий Осиёни ўрганиш бўйича Покистон маркази директори Азамат Ҳаёт Хон** билдирган фикрга қараганда, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти минбари Покистон учун ҳам катта қимматга эга. Чунки бугунги кунда ШҲТ минтақада сиёсий барқарорлик таъминланиши ҳамда ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларнинг янада чуқурлашишига кўмаклашмоқда.

— Марказий Осиёнинг энг муҳим мамлакати бўлган Ўзбекистон ШҲТда алоҳида ўрин тутади, — деди у. — Шу боис Исломобод Тошкент билан муносабатларни бундан-да ривожлантиришдан манфаатдордир. Покистон Ўзбекистон билан дўстона алоқаларни ғоят қадрлайди. Унинг раислиги даврида Жанубий Осиёнинг икки йирик давлати — Покистон ва Ҳиндистоннинг ШҲТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

Шуни айтиш ўринлики, ШҲТга аъзо давлатлар маданий-гуманитар йўналишларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, маданий алмашувларни кенгайтириш, дўстлик ҳамда яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш зарурлигини теран англайдилар. Халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик алоқалар ва ШҲТнинг ҳар бир мамлакати эга бўлган салмоқли туризм салоҳиятини назарда тутганда, сайёҳлик соҳасида ҳам ажойиб имкониятлар очилаётир.

**Малайзия Сайёҳлик бўйича кенгаши вице-президенти Мохд Таиб Ваҳоб** ШҲТ доирасида туризм жабҳасидаги алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини юқори баҳолади.

— Ўзбекистоннинг бу борадаги улкан салоҳияти ҳисобга олинган ҳолда, айнан Тошкентда ШҲТга аъзо давлатларнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш дастури қабул қилинди, — деди малайзиялик мутахассис. — Республиканинг сайёҳлик индустрияси бўйича имкониятлари нафақат Малайзияда, балки Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциациясининг (АСЕАН) бошқа мамлакатларида ҳам алоҳида қизиқиш уйғотади. Шу боис ШҲТ ҳамда АСЕАН мамлакатларининг сайёҳлик субъектлари ўртасида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама кўринишдаги алоқаларни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Малайзиялик мутахассис АСЕАН Бош котибининг Тошкент учрашувидаги иштироки сайёҳлик соҳасида икки ташкилот ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорликка замин яратажагига умид билдирди.

Ўз навбатида, **"Culture-cooperation International e.V" (Германия) ижтимоий-маданий ташкилоти директори Кэтлен Гёбель** ўзбек томони ташкилотга раислиги доирасида ШҲТ маконида маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтиришга улкан эътибор қаратганини алоҳида қайд этди.

— Жорий йил 21-22 июнь кунлари Тошкентда ташкилотга аъзо давлатлар маданият вазирларининг навбатдаги мажлиси ўтказилгани бу соҳадаги ҳамкорликни жадаллаштириш йўлидаги муҳим амалий қадам бўлди, — деди немис эксперти. — Шуниси қувонарлики, ШҲТ Тошкент саммити чоғида ташкилотга аъзо давлатларнинг сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш дастури қабул қилинди. Ўйлайманки, мазкур йўналишдаги ҳамкорликни чуқурлаштириш минтақада сайёҳлик инфратузилмасини янада равнақ топтиришга хизмат қилади.

— Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтган учрашув — республиканинг мазкур муҳим халқаро тузилмадаги раислигини муносиб равишда якунлаган воқеадир, — деб ҳисоблайди **Қуддус университети ҳузуридаги Осиё ва Африка институти профессори Владимир Месамед (Исроил)**. — Шубҳасиз, бу давр Ўзбекистоннинг кенг қамровли саъй-ҳаракатлари туфайли муҳим тадбирларга бой бўлди. ШҲТнинг ўсиб бораётган салоҳияти эса ушбу кенг минтақада бир-бирига яқин боғланган барқарорлик ҳамда изчил тараққиётнинг таъминланиши масалаларини муваффақиятли ҳал этишда муҳим омилга айланади.

**«Жаҳон» АА.**

# Истиқлолимиз рамзи, ифтихоримиз тимсоли

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида янги давлат, янги жамият қуриш йўлидаги ислоҳотлар жараёнида халқимизнинг миллий ғururини кўтаришга, озод ва обод Ватан барпо этишга бўлган интилиши, шижоатини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз рамзлари, жумладан, герб лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кенг муҳокамалар асосида қабул қилинди. Шундан буён давлатимиз герби тасвири муҳрларда ва давлат идоралари бланкаларида, расмий нашрларда, қоғоз ҳамда танга пулларда, қимматли қоғозлар ва фуқаролик паспортида ҳамда қонунда белгиланган бошқа ҳужжатлардан жой олмоқда.

Таъкидлаш жоизки, барча давлат рамзлари қатори герб ҳам халқимизнинг шаъну шавкати, ғурури, ор-номуси, миллий ўзлигини англаши ва тарихий хотираси ҳамда орзу-умидларини ўзида мужассам этади. У олий саодат — Истиқлолимиз рамзи, ўзини шу юрт фарзанди деб билган ҳар бир инсон учун чексиз фахру ифтихор манбаидир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, давлатимиз рамзлари — байроқ, герб, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради, мана шу рамзларни эъзозлаш ўзининг, ўз мамлакатининг қадр-қимматини билган ҳар қайси инсоннинг муқаддас бурчидир.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги Қонунда ҳам мамлакатимиз фуқаролари, Ўзбекистонда истиқомат қиладиган ҳар бир шахс давлатимиз гербини ҳурмат қилишлари шарт экани белгилаб қўйилган. 2010 йил 25 декабрдан кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунда давлатимиз гербидан фойдаланиш қоидалари янада мустаҳкамланган.

Очиғи, гербимизни ҳар гал кўрганда, унинг юксак маъно-мазмунидан, маънавий қадриятимизнинг ўзига хос хусусияти эканлигидан чексиз ғурур туямиз, фахрланамиз. Чунки Ўзбекистон герби давлатимиз суверенитетини ифодалайдиган, халқимиз ор-номуси ва шаънини мустаҳкамлайдиган муқаддас тимсолдир. У биз яшаётган эркин инсонпарвар ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг моҳиятини акс эттириши билан бир қаторда, "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?" деган эзгу ғояга ишорадир. Зотан, ўз қадр-қимматини, таянчи ва суянчини англаган халқ ўз миллий тимсолларини ҳамиша эъзозлайди, маънавияти бутун халқни ҳеч қандай куч ўзи танлаган йўлдан чалғита олмайди. Айнан шу маънода давлат рамзлари ҳақида билим ва тасаввурларга эга бўлишимиз бизнинг муштарак мақсад сари интилишимизга мадад беради.

**Зокиржон САИДБОБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик марказ директори.**

# ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА БИТИРУВЧИЛАР БАНДЛИГИ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан таълим муассасаларида ўқитиш сифатини ошириш, битирувчиларни ишга жойлаштиришга оид вазифаларга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

## ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Сенаторлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, тегишли вазирлик ҳамда идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган мазкур тадбирда республикамизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани таъкидланди. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Таълим тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши мамлакатимиз таълим тизимининг меъёрий-ҳуқуқий базасини тубдан янгилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишда Президентимиз томонидан илгари сурилган тараққиётнинг "ўзбек модели" тамойилларига қатъий амал қилиниб, ислоҳотлар мамлакатимиз тараққиёти билан узвий боғлиқ ҳолда, босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда.

Юртимизда таълим соҳасида 9+3 схемаси бўйича янги 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилган. Унинг бугунги ижобий натижалари, молиявий-иқтисодий инқироз дунё мамлакатлари иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиб турган бир пайтда, республикамизда ушбу соҳа жадал суръатлар билан ривожланиб бораётгани халқаро жамоатчиликда жиддий қизиқиш уйғотаяпти.

Бугунги кунда республикамизда касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, умумтаълим, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, шунингдек, болалар мусиқа ҳамда санъат мактаблари фаолият юритмоқда. Улар 2011 — 2015 йиллар давомида бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 188,5 млрд. сўмлик жиҳозлар билан таъминланди. Хусусан, ўтган йили 384 таълим муассасасининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган 423 млрд. сўмлик ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, мамлакатимизда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун зарур шароитлар яратилган бўлиб, коллежларнинг 480 минг нафардан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланди.

Давра суҳбати қатнашчилари томонидан таълим сифатини оширишда юқори малакали мутахассисларни тайёрлашнинг янги усулларини жорий этиш асосида инновацион ғоялар ва замонавий ахборот маҳсулотларини ишлаб чиқиш, таълим сифати ҳамда узлуксизлигини таъминлаш, педагогик кадрларнинг касбий малакасини доимий равишда ошириб бориш, янги технологиялардан фойдаланиш асосида ўқув жараёнини такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Мазкур йўналишда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, унинг ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси аъзолари таълим тизимининг ҳолатини изчил таҳлил ҳамда назорат қилиши, таълим сифатини янада ошириш, мактаблар, лицейлар, коллежларда ўқув жараёнини такомиллаштириш каби долзарб вазифаларни ўрганиб бориши лозим.

— Давра суҳбати иштирокчилари томонидан таълим муассасаларида ўқитиш сифатини янада яхшилаш, битирувчиларни ишга жойлаштиришнинг самарадорлигини кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Зайнаб Бердиева. — Шу ўринда таъкидлаш жоизки, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилган амалий чора-тадбирлар самаралари, жумладан, Самарқанд вилоятида яхши натижаларга эришилганлиги мисолида ҳам акс этмоқда. Айниқса, коллеж битирувчилари ўз бизнесини йўлга қўйишлари учун банклар томонидан етарлича қўллаб-қувватланаётгани ютуқлар омили бўлиб хизмат қилаяпти.

Тадбирда таълим муассасаларида ўқитиш сифати, битирувчиларни ишга жойлаштиришга оид вазифалар ижроси юзасидан депутатлик назоратини таъминлаш бўйича бир қатор тавсиялар билдирилди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МУНОСАБАТ

Шу йилнинг 22 июнь куни Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг расмий очилиши мамлакатимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилди, десак, асло муболаға эмас. Зеро, Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами шукуҳи билан яшаётган халқимиз, айниқса, Фарғона водийси аҳолиси ушбу бетимсол бунёдкорлик иншоотининг ишга туширилишини катта мамнуният билан кутиб олди.

# ХАЛҚИМИЗ АСРИЙ ОРЗУЛАРИ РЎЁБИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг ушбу улкан лойиҳа очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида қайд этилганидек, бу қувончли кунни халқимиз, жумладан, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари аҳолиси неча йиллар давомида орзу қилгани, ота-боболаримиз учун армон бўлган бу бахт албатта бизларга насиб этади, деб, айниқса, охирги йилларда интизорлик билан кутгани сир эмас.

Дарҳақиқат, мураккаблиги ҳамда ўзига хос бошқа жиҳатлари билан дунёдаги саноқли меъморчилик ва транспорт-транзит дурдоналаридан бири бўлган Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли барпо қилиниши Ўзбекистоннинг буюк давлат эканини, унинг иқтисодий қудрати ҳамда салоҳиятини, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини яна бир бор дунёга намоён этди.

Юртимиз заминида кўп асрлар давомида шундай ачинарли ҳолат юзага келган эдики, халқимиз ўртасида "олтин водий" деб ном олган Фарғона ҳудуди Қамчиқ довони туфайли диёримизнинг бошқа ҳудудларидан ажралиб қолганди. Барча коммуникация тармоқлари, аввалambor, транспорт-логистика алоқаси қўшни давлат ҳудуди орқали амалга оширилар эди. Шу сабабли пойтахтга бориш учун қанча сарсонгарчиликни, оворагарчиликни бошимиздан ўтказардик. Турли сабаблар туфайли суткалаб йўлда қолиб кетилларди...

Бинобарин, ушбу темир йўлнинг биринчи йўловчиси сифатида Қамчиқ туннели очилишида қатнашганимда, юрагимда чексиз ифтихор туйғулари жўш урди. Замонавий поезд вагонларида довонни кесиб ўтганимизда, кўзимда ёш қалқиди. Ахир йигирма беш йил аввал кимдир мана шу улкан қоялар ва жарликлар устида поезд қатнайди, деса, ҳеч ким ишонмаган бўларди. Чиндан ҳам, истиқлол йилларида биз илгари тасаввур ҳам қилолмаган, бугун ўзимизга ғурур бағишлаб, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган юксак марраларга эришаяпмиз. Бу ютуқлар замирида, шубҳасиз, Мустақиллигимиз, халқимиз фидойилиги, Президентимиз раҳнамолигида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган оқилона сиёсат мужассамдир.

Янги темир йўли юртимиз аҳолисининг 10 миллион нафардан зиёди яшаётган Андижон, Фарғона ҳамда Наманган вилоятларининг ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаб, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият кўрсатишига замин яратади. Асримизнинг ушбу йирик лойиҳаси мазкур минтақадаги корхоналарга ҳам ички ва ташқи бозорлар учун янги имкониятлар эшигини очади, транзит харажатларини қисқартириш ҳамда вақтни тежашга хизмат қилади.

Биргина мисол, бизнинг Хўжаобод туманида саноат корхоналари талайгина. Улар ўз маҳсулотларини нафақат МДҲ, балки Ғарб давлатларига ҳам "Made in Uzbekistan" ёрлиғи остида юбормоқдалар.

Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ва Қамчиқ туннели ишга туширилиши барча ҳамюртларимиз қатори ишбилармонларни ҳам ғоят қувонтирди. Боиси, бу уларга ҳар томонлама фойда келтиради. Уларнинг фикрича, эндиликда хом ашёни ташиш харажатлари сезиларли даражада камаяди. Энг муҳими, бу темир йўлнинг фойдаланишга топширилиши кўп йиллар давомида, айниқса, қишда тоғли йўллардан ўтишда қийналиб келган оддий одамлар учун катта аҳамият касб этади.

Бугун маҳалла-кўйда, турли жамоаларда, сайловчилар билан учрашувларда юртимизда эришилаётган ютуқлар, хусусан, Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннели ишга туширилиши суҳбатимизнинг асосий мавзуига айланган. Одамларимиз қалби фахру ғурур туйғулари билан тўлиб тошган. Шубҳасиз, бу марраларимиз замирида ётган омилларни, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни, Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган янгиланишларни кенг жамоатчиликка, ёшларга тушунтириш барчамизнинг, айниқса, парламент аъзоларининг кундалик вазифасига айланиши керак.

**Тожибар ЮЛДАШЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

# Замонавий шароитларда бухгалтерия ҳисоботи ва аудит

Давлатимиз раҳбарининг "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида "Молиявий ҳисобдорлик ва аудитнинг замонавий стандартлари" мавзуида семинар ташкил этилди. Мазкур тадбир Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда ўтказилди.

## ТАДБИР

Таъкидланганидек, бозор ислоҳотларини демократлаштириш ҳамда иқтисодиётни либераллаштириш жараёнлари жадал равнақ топаётган бугунги кун миллий бухгалтерия ҳисоботи ва аудит тизимини жаҳон андозалари даражасида янада ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Бинобарин, республикамизда молия соҳаси ҳамда бозор инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган изчил сиёсат натижасида жабҳанинг комплекс қонунчилик асоси яратилди. Хусусан, янги таҳрирдаги "Бухгалтерия ҳисоботи тўғрисида"ги, "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Шу асосда мазкур тармоқларга аниқ иқтисодий рағбатлар, уларнинг изчил тараққий топиши учун солиқ имтиёзлари ва преференциялари берилди. Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тизими соддалаштирилди, эркинлаштирилди. Халқаро мезонлардан фойдаланиш учун қулайликлар яратилди.

Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашуви дунё тажрибасида қабул қилинган методологик тамойиллар ҳамда қоидаларни инобатга олган ҳолда, айни чоғда миллий бизнес тузилмаларининг молиявий кўрсаткичларини хориж давлатларида амалда бўлган шу каби параметрлар билан солиштириб, бухгалтерия ҳисоботи ва аудит жабҳасида яхлит стандартлар таъминланишида яққол намоён бўлаяпти.

Мутахассисларнинг қайд этишича, маҳаллий ҳамда чет элдаги ишбилармон ҳамкорлар эҳтиёжларини ўрганиш натижасида бухгалтерия ҳисоботи ва молиявий ҳисобдорлик, шунингдек, ажратилган капитал ишончлилиги ҳамда халқаро талабларга мослигини намоён қилувчи ахборотларни берадиган аудит тизимида ягона концепция яратилишини талаб этмоқда.

Мазкур соҳаларнинг ислоҳ қилиниши доирасида акциядорлик жамиятлари хўжалик фаолиятига молиявий ҳисобдорлик ҳамда аудитнинг халқаро стандартлари изчил татбиқ этилаётир. Шу асосда бухгалтерия ҳисоботи ва аудитнинг умумметодологик асослари таҳлил қилиниб, улар дунё амалиётига мослаштирилаяпти, сифатли кадрлар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш таъминланмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларга мазкур йўналишларда доимий асосда кўмак кўрсатилаяпти.

Эътироф этилганидек, Молия вазирлиги томонидан бухгалтерия ҳисоботи ва аудит тизимини халқаро мезонларга уйғунлаштириш асносида уларни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларнинг барчаси бу борада соғлом рақобат муҳитини янада мустаҳкамлаши, ушбу жабҳалардаги фаолият сифатини ошириши ҳамда аудитга бўлган ишончни юксалтириб, миллий ҳисобот ва аудит тизимини халқаро даражага кўтариши, шубҳасиз.

**С. МАХСУМОВ.**

# Тошкент тиббиёт академияси

## 2016/2017 ўқув йили учун бакалавриат таълим йўналишларига абитуриентлар қабулини эълон қилади.

| Шифр | Таълим йўналишлари номи | Қабул квоталари: ЖАМИ | Давлат гранти асосида: жами | Давлат гранти асосида, шу жумладан: ўзбек | Давлат гранти асосида, шу жумладан: рус | Тўлов-контракт асосида: жами | Тўлов-контракт асосида, шу жумладан: ўзбек | Тўлов-контракт асосида, шу жумладан: рус |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 5510100 | Даволаш иши | 240 | 80 | 68 | 12 | 160 | 136 | 24 |
| 5111003 | Тиббий педагогика иши | 70 | 25 | 21 | 4 | 45 | 38 | 7 |
| 5510300 | Тиббий профилактика иши | 60 | 25 | 21 | 4 | 35 | 30 | 5 |
| 5510700 | Олий ҳамширалик иши | 90 | 30 | 25 | 5 | 60 | 51 | 9 |
| 5510900 | Тиббий биология иши | 50 | 15 | 12 | 3 | 35 | 30 | 5 |
| | ЖАМИ | 510 | 175 | 147 | 28 | 335 | 285 | 50 |

***Изоҳ: тиббий биология иши таълим йўналиши ҳақида***

**Таълим йўналиши** — 5510900 — тиббий биология иши.
**Ўқиш шакли** — кундузги.
**Ўқиш муддати** — 5 йил.
**Мутахассислиги** — фундаментал тиббиёт.
Тиббий биология иши таълим йўналиши битирувчиларининг касбий фаолияти соҳаси ва объекти.

**Мақсад** — тиббий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, илмий ихтисослаштирилган марказлар ва бошқа тиббий муассасаларда фундаментал ҳамда амалий муаммоларни ҳал этиш учун илмий тадқиқот ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш.

**Тиббий биология таълим йўналиши битирувчилари шифокорлик амалиёти билан шуғулланишга ҳақли эмас!**

**Тиббий биология иши бакалавриат таълим йўналишини битиргандан сўнг ишлаш мумкин бўлган мутахассисликлар:**
— тиббиёт коллежларида умумтиббий фанлар бўйича ўқитувчи (микробиология, нормал анатомия, патологик анатомия, нормал физиология, патологик физиология, гистология);
— врач-лаборант — соғлиқни сақлаш тизимида, санаторийларда, айрим ташкилот ва вазирликлар таркибидаги тиббий-санитария бўлимлари, спорт-соғломлаштириш комплексларида.

**Қуйидаги йўналишлар бўйича:**
— клиник лаборатория диагностикаси;
— клиник-биохимик лаборатория диагностикаси;
— цитологик диагностика биопсияли микроскопик диагностика билан;
— иммуногистохимик диагностика;
— иммунобиологик ва иммунофермент диагностика;
— серологик диагностика;
— ПЦР диагностика;
— токсикологик лаборатор текширишлар;
— суд-тиббиёт экспертизасида лаборатория иши;
— тиббий статистика.

**Тиббий биология иши таълим йўналиши битирувчилари магистратуранинг қуйидаги мутахассисликлари бўйича ўқишни давом эттиришлари мумкин:**
— 5A140101 — Биология
— 5A140102 — Микробиология ва вирусология
— 5A140104 — Биотехнология
— 5A140105 — Биофизика
— 5A320502 — Тиббий-биологик ускуналар, тизимлар ва комплекслар
— 5A510118 — Морфология

**Янги киритиладиган мутахассисликлар:**
— молекуляр генетика;
— физиология (нормал ва патологик физиология);
— тиббий лаборатор диагностика;
— биотиббий технологиялар;
— тиббий биология;
— тиббий биохимия;
— тиббий биофизика;
— тиббий кибернетика;
— молекуляр фармакология.

**Тиббий биология иши таълим йўналиши магистратура мутахассисликларининг битирувчилари қуйидаги муассасаларда ишлашлари мумкин:**
— олий тиббий таълим муассасалари тиббий-биологик кафедраларида педагог;
— илмий-текшириш институтлари, олий таълим муассасалари клиникалари, ихтисослаштирилган марказлар, ҳар хил турдаги даволаш-профилактика муассасалари, санаторийлар, айрим ташкилот ҳамда вазирликлар қошидаги тиббий-санитария бўлимлари ва спорт-соғломлаштириш мажмуаларининг лабораторияларида илмий раҳбар ҳамда мудир лавозимларида.

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.**
**Мўлжал — «Шифокор» спорт мажмуаси ва 3-ўқув биноси. Телефон: (0-371) 150-78-34.**

986R/450

# Андижон давлат тиббиёт институти

## 2016/2017 ўқув йили учун қуйидаги олий таълим йўналишлари бўйича кундузги бўлимга талабалар қабулини эълон қилади.

**БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА:**
1. Касб таълими (тиббий педагогика иши)
2. Даволаш иши
3. Педиатрия иши
4. Олий ҳамширалик иши

**МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА:**
1. Акушерлик ва гинекология
2. Терапия (йўналишлар бўйича)
3. Оториноларингология
4. Кардиология
5. Офтальмология
6. Юқумли касалликлар (йўналишлар бўйича)
7. Дерматовенерология
8. Неврология
9. Умумий онкология
10. Жарроҳлик (йўналишлар бўйича)
11. Ташхиснинг инструментал ва функционал усуллари (йўналишлар бўйича)
12. Нейрожарроҳлик
13. Соғлиқни сақлашни бошқариш (йўналишлар бўйича)
14. Урология
15. Морфология (йўналишлар бўйича)
16. Наркология
17. Травматология-ортопедия
18. Суд тиббиёти экспертизаси
19. Спорт тиббиёти
20. Педиатрия (йўналишлар бўйича)
21. Болалар жарроҳлиги
22. Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси
23. Болалар кардиологияси ва ревматологияси
24. Болалар неврологияси
25. Неонатология

**I. ДАВОЛАШ ИШИ, ПЕДИАТРИЯ ИШИ ФАКУЛЬТЕТЛАРИ ВА КАСБ ТАЪЛИМИ ИШИ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОНЛАР ТОПШИРИЛАДИ:**
1. Биология — 3,1 балл (тест-имтиҳон)
2. Кимё — 2,1 балл (тест-имтиҳон)
3. Она тили ва адабиёти — 1,1 балл (тест-имтиҳон)

**II. ОЛИЙ ҲАМШИРАЛИК ИШИ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОНЛАР ТОПШИРИЛАДИ:**
1. Мутахассислик бўйича ижодий имтиҳон (оғзаки)
2. Биология — 3,1 балл (тест-имтиҳон)
3. Она тили ва адабиёти — 1,1 балл (тест-имтиҳон)

**Ҳужжатлар бакалавриат таълим йўналиши бўйича 2016 йил 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.**

**III. МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОНЛАР ТОПШИРИЛАДИ:**
1. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани бўйича
2. Мутахассислик фани бўйича
3. Чет тили фани бўйича
4. Илмий ва илмий-педагогик фаолиятга қобилиятини аниқлаш бўйича суҳбат

*Магистратура мутахассисликлари бўйича ҳужжатлар 2016 йил 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади.*

**РЕКТОР НОМИГА ЁЗИЛГАН АРИЗАГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ИЛОВА ЭТИЛАДИ:**
* бакалавриат таълим йўналиши абитуриентлари учун ўрта ёки ўрта махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатларнинг асл нусхаси, магистратура ва олий малакали ҳамширалик иши бўлими абитуриентлари учун мутахассислик маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
* паспорт нусхаси;
* 3,5х4,5 см. ўлчамдаги 6 дона фотосурат;
* 086-У-шаклдаги тиббий маълумотнома;
* паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси кўрсатилади.

Институтга қабул қилиш Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг биринчи курсларига 2016/2017 ўқув йилида талабалар қабул қилиш тартиб-қоидалари тўғрисида низом» асосида амалга оширилади.

**Қўшимча маълумот учун институт қабул комиссиясига (0-374) 237-11-41, 223-94-79 телефонлари орқали ёки adti.uz сайтига мурожаат қилиш мумкин.**
**Манзил: Андижон шаҳри, Ю. Отабеков кўчаси, 1-уй.**

**АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!**
**Ҳафтанинг шанба кунлари «Очиқ эшиклар куни» ўтказилади. «Очиқ эшиклар куни»да институт ректори, қабул комиссияси раиси ва унинг ўринбосарлари қатнашади.**

928A/

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

XALQ BANKI

# Акциядорлик тижорат Халқ банки

**«Олтин балиқ» лаҳзали, пул ютуқли лотереяси 2-разряд билетларини тайёрлаш ҳамда етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади.**

Танловда таклиф этилаётган хизматларни кўрсатувчи хорижий ва маҳаллий фирмалар, ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

1. Танлов комиссияси ишчи органи манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 3-уй.
   Телефонлар: (+99871) 120-17-24, 233-78-97.
   www.xb.uz
   E-mail: marketing@xb.uz. b.kuchkorov@xb.uz
2. Танлов мақсади — «Олтин балиқ» лаҳзали, пул ютуқли лотереяси билетларини тайёрлаш ҳамда етказиб бериш.
3. Танлов ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали ёки www.xb.uz сайтидан олиш мумкин.
4. Тижорат таклифлари (нархлари бўйича алоҳида конвертда, техник талаблар бўйича алоҳида конвертда корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2016 йил 26 июль куни Тошкент вақти билан соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

*Хизматлар лицензияланган.*

990A/130

# NAMANGAN MUHANDISLIK-PEDAGOGIKA INSTITUTI

## 2016/2017 o‘quv yili uchun bakalavriat ta’lim yo‘nalishlari va magistratura mutaxassisliklariga qabul e’lon qiladi.

**Bakalavriat ta’lim yo‘nalishlari bo‘yicha:**

| T/r | Shifr | Ta’lim yo‘nalishlari | Qabul rejasi: jami | grant: o‘zbek | grant: rus | kontrakt: o‘zbek | kontrakt: rus |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 5111017 | Kasb ta’limi: iqtisodiyot | 25 | 5 | | 20 | |
| 2. | 5111018 | Kasb ta’limi: informatika va axborot texnologiyalari | 50 | 9 | | 41 | |
| 3. | 5111019 | Kasb ta’limi: kimyoviy texnologiya | 25 | 5 | | 20 | |
| 4. | 5111020 | Kasb ta’limi: qishloq xo‘jaligini mexanizatsiyalashtirish | 25 | 5 | | 20 | |
| 5. | 5111030 | Kasb ta’limi: oziq-ovqat texnologiyasi | 35 | 6 | | 29 | |
| 6. | 5230200 | Menejment (tarmoqlar va sohalar bo‘yicha) | 20 | 5 | | 15 | |
| 7. | 5310100 | Energetika (tarmoqlar bo‘yicha) | 50 | 14 | 6 | 21 | 9 |
| 8. | 5310200 | Elektr energetikasi (tarmoqlar va yo‘nalishlar bo‘yicha) | 75 | 22 | 8 | 33 | 12 |
| 9. | 5310600 | Yer usti transport tizimlari va ularning ekspluatatsiyasi (transport turlari bo‘yicha) | 80 | 30 | | 50 | |
| 10. | 5320200 | Mashinasozlik texnologiyasi, mashinasozlik ishlab chiqarishini jihozlash va avtomatlashtirish | 75 | 30 | | 45 | |
| 11. | 5320300 | Texnologik mashinalar va jihozlar (tarmoqlar bo‘yicha) | 80 | 30 | | 50 | |
| 12. | 5340200 | Bino va inshootlar qurilishi (turlari bo‘yicha) | 120 | 44 | 6 | 61 | 9 |
| 13. | 5340400 | Muhandislik kommunikatsiyalari qurilishi va montaji (turlari bo‘yicha) | 80 | 35 | | 45 | |
| 14. | 5340500 | Qurilish materiallari, buyumlari va konstruksiyalarini ishlab chiqarish | 80 | 25 | | 55 | |
| 15. | 5340800 | Avtomobil yo‘llari va aerodromlar | 50 | 20 | | 30 | |
| 16. | 5341000 | Qishloq hududlarini arxitektura-loyihaviy tashkil etish | 60 | 15 | | 45 | |
| 17. | 5610100 | Xizmatlar sohasi (faoliyat turlari va yo‘nalishlari bo‘yicha) | 40 | 5 | | 35 | |
| | | **Jami:** | **970** | **305** | **20** | **615** | **30** |

**Magistratura mutaxassisliklari bo‘yicha:**

| T/r | Shifr | Mutaxassisliklar | Qabul rejasi: jami | grant: o‘zbek | grant: rus | kontrakt: o‘zbek | kontrakt: rus |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 5A310601 | Yer usti transport vositalari va tizimlari (transport turlari bo‘yicha) | 4 | 2 | | 2 | |
| 2. | 5A321001 | Oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish va qayta ishlash texnologiyasi (mahsulot turlari bo‘yicha) | 4 | 2 | | 2 | |
| | | **Jami:** | **8** | **4** | | **4** | |

**Abituriyentiar qabul komissiyasiga quyidagi hujjatlarni topshiradilar:**
* ta’lim yo‘nalishi, o‘quv tili va shakli ko‘rsatilgan holdagi ariza;
* o‘rta yoki o‘rta maxsus ma’lumoti haqidagi hujjatning asl nusxasi (magistratura uchun davlat namunasidagi oliy ma’lumoti to‘g‘risidagi diplomning asl nusxasi va uning ilovasi);
* № 086-U-shakl bo‘yicha tibbiy ma’lumotnoma;
* pasport nusxasi;
* 3,5x4,5 sm. hajmdagi 6 dona fotosurat;
* I va II guruh nogironlari, chin yetim hamda yetimlar, Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilari va boquvchisini yo‘qotganlar asl nusxadagi tasdiqlovchi hujjatlarni topshiradilar;
* tanlovdan tashqari o‘qishga kirish huquqiga ega bo‘lgan xalqaro hamda respublika olimpiadalari, tanlovlar va musobaqalar g‘oliblari asl nusxadagi tasdiqlovchi hujjatlarni topshiradilar;
* abituriyent tomonidan pasport (pasport yoshiga yetmaganlar tug‘ilganligi haqidagi guvohnoma) hamda harbiy xizmatga majburligi to‘g‘risidagi hujjat qabul komissiyasiga shaxsan ko‘rsatiladi;
* harbiy xizmatni o‘tagan fuqarolarga o‘qishga kirishda imtiyozlar beradigan harbiy qismlar qo‘mondonligi tavsiyanomalari (asl nusxasi) yuqorida ko‘rsatilgan hujjatlar bilan birga 20-iyulgacha (shu kuni ham) topshiriladi;
* magistratura mutaxassisliklariga hujjatlar 30-iyulgacha (shu kuni ham) qabul qilinadi.

**Manzil: Namangan shahri, Do‘stlik shohko‘chasi, 12-uy.**
**Telefon: (0-369) 234-05-64. www.nammpi.uz**

964A/435

# ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**жаҳондаги ривожланган давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари ўқув-услубий фаолиятини қиёсий таҳлил қилган ҳолда, давр талабига мос равишда илм-фан ютуқлари ва илғор педагогик технологиялар асосида яратилган янги авлод ўқув-режа ҳамда дастурлари бўйича 2016/2017 ўқув йили учун бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

| Шифр | Йўналишлар | Квота |
|---|---|---|
| 5111006 | Касб таълими (банк иши) | 20 |
| 5111008 | Касб таълими (бухгалтерия ҳисоби ва аудит) | 15 |
| 5111027 | Касб таълими (молия) | 15 |
| 5230200 | Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 40 |
| 5230600 | Молия | 150 |
| 5230700 | Банк иши | 100 |
| 5230800 | Солиқлар ва солиққа тортиш | 60 |
| 5230900 | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича) | 100 |
| 5231200 | Суғурта иши | 50 |
| 5231300 | Пенсия иши | 50 |
| 5231500 | Баҳолаш иши | 40 |
| 5232000 | Давлат бюджетининг ғазна ижроси | 40 |
| | **Жами:** | **680** |

**МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ**

| Шифр | Мутахассисликлар | Квота |
|---|---|---|
| 5A230102 | Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 8 |
| 5A230201 | Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 10 |
| 5A230601 | Давлат молиясини бошқариш | 16 |
| 5A230602 | Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори (соҳалар бўйича) | 15 |
| 5A230603 | Инвестицияларни бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 13 |
| 5A230604 | Халқаро молия | 7 |
| 5A230701 | Банк иши (фаолият турлари бўйича) | 17 |
| 5A230702 | Банк ҳисоби ва аудит | 14 |
| 5A230901 | Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 11 |
| 5A230902 | Аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 12 |
| 5A230903 | Бюджет ҳисоби ва назорат | 6 |
| 5A231301 | Пенсия иши | 5 |
| 5A231501 | Баҳолаш иши ва риэлторлик (объектлар бўйича) | 4 |
| | **Жами:** | **138** |

**Манзил: Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли, 7-уй. Мурожаат учун телефон: (+99871) 235-77-95.**

995R/463

# Электротехника саноати:

# УЛКАН ИМКОНИЯТ ВА ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТ ИФОДАСИ




**Бугунги кунда Ўзбекистон эришаётган иқтисодий ютуқлар дунёнинг кўплаб давлатлари инвесторларида катта қизиқиш уйғотиб, халқаро экспертлар ва таҳлилчиларни ҳайратга солаётир. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мамлакатимиз йигирма беш йиллик мустақил тараққиёт йилларида иқтисодиёти қолоқ аграр республикадан саноатлашган, айни чоғда жаҳоннинг жадал ривожланаётган беш давлатидан бирига айланди.**

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш, саноатни диверсификациялаш, унинг замонавий ва юқори технологияли тармоқларини йўлга қўйиш бўйича олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар бунда муҳим омил бўлди.

Электротехника юртимизда истиқлол йилларида саноатнинг алоҳида тармоғи сифатида тўлиқ шаклланиб, ривожланиш томон юз бурган соҳалардан бири ҳисобланади. Бунинг амалий самараси эса кундалик ҳаётимизда ўз аксини топмоқда.

Гап шундаки, ҳозирги пайтда ҳар 100 оиланинг 47 таси шахсий компьютерга, 31 таси кондиционерга эга бўлса, шунча оилага 234 та мобиль телефон тўғри келаётир. Узоқ муддат фойдаланиладиган ушбу товарлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётгани, айниқса, қувонарлидир. Бундан ташқари, юртдошларимизнинг газ ва электр плиталари, чангюткич, холодильник, телевизор, кир ювиш машинаси сингари маиший техникаларга бўлган эҳтиёжининг катта қисми ўзимизнинг маҳсулотлар эвазига таъминланаётгани саноат салоҳиятимизнинг юксалиб бораётганидан далолат эмасми?!

Жаҳон бозорининг бугунги таҳлили шуни кўрсатаяптики, электротехника саноатининг истиқболи ниҳоятда порлоқ. У, ҳатто, глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳам барқарор тараққий этиб, қўшимча қийматга эга инновацион маҳсулотлар етказиб беришда етакчи ўринга чиқиб олгани бунинг яққол тасдиғидир.

Маълумотларга кўра, сўнгги ўн йилликда электротехника саноатининг юксалиш суръати дунё ялпи ички маҳсулотининг ўсишига нисбатан уч баробар юқори бўлиб, соҳага киритилган сармоянинг рентабеллиги бошқа тармоқлардагига қараганда уч-тўрт марта кўпроқни ташкил этмоқда. Шу боис юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб иқтисодиётнинг мазкур тармоғи равнақига устувор аҳамият қаратилиб, аввало, унинг ташкилий-ҳуқуқий асоси яратилди. Эскича бошқарув қолипларидан воз кечиш, замонавий асосда ишлайдиган ва экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари кўрилди. Бунинг натижасида тайёрланаётган маҳсулотлар ҳажми ҳам, уларнинг тури ҳам йилдан-йилга кўпаймоқда. Агар 1994 йилда тармоқ корхоналарида умумий ишлаб чиқариш кўрсаткичи 800 миллион сўмни ташкил этиб, ялпи саноат маҳсулотлари таркибидаги улуши атиги 0,3 фоизга тенг бўлган бўлса, бу рақам 2005 йилда 3,7 фоизга, 2015 йилда эса 28,9 фоизга етказилди. Ўз навбатида, электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръати ҳам тобора ортиб, ўтган йилда ўсиш 16,5 фоизга тенг бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "2014 — 2018 йилларда республика электротехника саноатини янада ривожлантириш ва бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори тармоқ истиқболида тамомила янги саҳифа очиб берди, десак, айни ҳақиқатдир. Негаки, мазкур ҳужжатга асосан, "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компаниясига айлантирилиб, унинг зиммасига соҳага хорижий инвесторларни жалб этиш, оқилона инвестиция сиёсатини юритиш орқали юқори сифатли ҳамда рақобатдош маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш, ишлаб чиқаришга самарадор технологияларни кенг татбиқ қилиш, кооперация асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш каби кўплаб вазифалар юклатилди.

Шу билан бирга, 2014 — 2018 йилларда электротехника саноатини янада ривожлантиришга доир дастур қабул қилингани айни муддао бўлди. Унга мувофиқ, 25 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Шундан 14 таси янги қувватларни ишга тушириш, қолгани мавжуд ишлаб чиқариш субъектларини техник-технологик янгилаш ҳамда модернизациялашга қаратилгандир.

"Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси томонидан қарорнинг изчил ижроси таъминланаётгани туфайли тизимда кабель, электротехника, маиший техника буюмлари ишлаб чиқариш ва уларга техник хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган корхоналар сони 50 тага етди. Пировардида биргина 2015 йил давомида 1 трлн. сўмликдан ортиқ муҳим саноат маҳсулотлари тайёрланиб, энергетика, нефть-газ, кон-металлургия сингари иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқлари, шунингдек, ижтимоий соҳа объектларига етказиб берилди.




Бу борадаги кўрсаткич жорий йилда янада ортиши кутилаяпти. Чунки биринчи чоракнинг ўзида саноат маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 20 фоиз ўсиши кузатилди. Жумладан, электр чангюткичлар ишлаб чиқариш 2,6 баробар, кир ювиш машиналари 67,1 фоизга ошди.

Эътиборли жиҳати, маҳсулотлар сифати юқорилиги боис ташқи бозорларда ҳам бемалол рақобатга кириша олаяпти. Пировардида 27 та ишлаб чиқариш субъекти экспортчи корхоналар сафидан мустаҳкам жой эгаллаб, ўз маҳсулотларини Буюк Британия, Бирлашган Араб Амирликлари, Грузия, Озарбайжон, Афғонистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон каби ўнлаб давлатларга жўнатаяпти. Хусусан, 2015 йил давомида улар томонидан 167,7 млн. АҚШ долларилик экспорт амалиётлари бажарилди. Бу 2010 йилдаги кўрсаткич билан таққослангандa, ўсиш суръати 72 фоизга етгани ойдинлашади.

Чиндан ҳам, юқори технологияларга асосланган электротехника воситаларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мураккаб жараён бўлишига қарамай, сўнгги беш йиллик тизимда юксалиш даври яққол кузатилди. Буни ушбу қисқа фурсатда илгари импорт қилинган 25 дан ортиқ турдаги маиший техника буюмлари тайёрлаш маҳаллийлаштирилгани, бунинг эвазига ички истеъмол бозорининг ўртача 40 — 45 фоизи ўзимизнинг маҳсулотлар билан қопланганини мисолида ҳам кўриш мумкин.

Яқин йиллар ичида мазкур рақам кескин ортиши кутилаяпти. Ҳозирги пайтда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 40 та лойиҳа амалга оширилаётгани, уларнинг ижроси бўйича шу йилнинг дастлабки чорагида 74,4 млрд. сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланиб, прогноз кўрсаткичи ортиғи билан бажарилганини инобатга оладиган бўлсак, бунга шубҳа қолмайди.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Маҳаллийлаштириш дастурига асосан, ҳаётга татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳалар, тақдим қилинаётган имтиёз ҳамда енгилликлар юқори технологияли ишлаб чиқариш линияларини муваффақиятли ўзлаштириш имконини бераяпти. Узоққа бормайлик, фақат сўнгги икки йилда замонавий LCD ва LED телевизорлари, маиший кир ювиш машиналари, электр печ ҳамда плиталарнинг янги моделлари, электр ўрнатиш ускуналари, светодиод лампалар ва турли хил ёриткичлар, шунингдек, кондиционер ҳамда холодильниклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг ҳисобига бугунги кунга келиб, тизимда маҳаллийлаштириш даражаси 40 фоизга етди. 2019 йилгача бўлган даврда эса D-LED телевизорлар, компьютер мониторлари, холодильникларнинг янги моделлари, сув иситиш қурилмалари, фотоэлектр станциялари, турли қувватдаги электр двигателлари, смартфонлар, шунингдек, майда маиший техника воситалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилиши кўзда тутилгани диққатга сазовор.

Тизимда рўй бераётган бундай сифат ўзгаришлари экспорт ҳажмини ошириш, уни диверсификациялашда муҳим роль ўйнамоқда. Чунончи, мустақилликнинг дастлабки йилларида четга, асосан, кабель маҳсулотлари ва кучланиш трансформаторлари сотилган бўлса, охирги йилларда нокабель маҳсулотлари экспорти 8 фоиздан 14 фоизга ортди.

Электротехника саноати ривожида кичик бизнес субъектларининг ҳиссаси, айниқса, салмоқли бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, энг сўнгги русумдаги технологик ускуналар билан жиҳозланган кичик корхоналарда замонавий маиший техника буюмлари ҳамда электр жиҳозлари ишлаб чиқариш муваффақиятли ўзлаштирилмоқда. Шунинг учун "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси ички бозорни рақобатдош маҳсулотлар билан тўлдиришда соҳанинг иштирокини янада кенгайтириш пайидан бўлмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, сўнгги йилларда маиший электротехника буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 20 га яқин корхоналар ташкил этилди. 2015 йилда шу каби ишлаб чиқариш субъектлари томонидан буюртмачиларга 618 млрд. сўмлик юқори сифатли маҳсулотлар етказиб берилгани таҳсинга лойиқ, албатта.

Кичик бизнес вакиллари эришаётган бу каби ютуқлар, айниқса, хорижлик инвесторлар, жаҳонга машҳур йирик ишлаб чиқариш корпорацияларида катта қизиқиш уйғотаётир. Натижада юртимиз тадбиркорлари "Samsung", "LG", "Midea", "TCL" сингари компаниялар билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, уларнинг бренди остида маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда.

Саноат тармоқларини бугунги замон талаблари асосида ривожлантириш ҳақида гап кетганда, Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида айтган қуйидаги сўзлари ёдга тушади: "Биз учун асосий вазифа — ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттиришдан иборат бўлиши зарур".

Шундан келиб чиқиб, жорий йилда компания тизимида ишлаб чиқаришни техник ҳамда технологик янгилаш йўналишида 17 та инвестициявий лойиҳа ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, "Андижонкабель" акциядорлик жамиятида 6,75 млн. долларлик сармоя эвазига ишлаб чиқариш диверсификация қилинаётган бўлса, "Dream production", "Polaris Technologies" масъулияти чекланган жамиятлари фаолияти кенгайтирилиб, янги маиший электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши режалаштирилган. Ушбу мақсадларга жами 2,3 миллион долларлик инвестиция сарфланиши белгиланган.

Бундай лойиҳаларни мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида амалга оширишга алоҳида эътибор берилаётгани диққатга сазовор. Хусусан, компания томонидан 2016 — 2019 йиллар давомида умумий қиймати 295 миллион долларлик 95 та инвестициявий лойиҳа қишлоқ жойларида рўёбга чиқарилиши режалаштирилган. Бунинг натижасида 5 мингга яқин иш ўринлари яратилиб, шунча маҳаллий ёшлар доимий даромад манбаига эга бўлади.

Бундан ташқари, тармоқни ривожлантириш махсус дастурига асосан, 2030 йилгача соҳага 1 млрд. долларга яқин инвестициялар жалб қилиш, замонавий қувватларни ишга тушириш, мавжудларини эса модернизация қилиш ҳаракати бошлаб юборилган. Бунинг ҳисобига 22 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, тайёрланаётган маҳсулотлар ҳажми 5,1 баробарга ортиши кутилаяпти. Буларнинг барчаси импортни кескин қисқартириш, экспорт салмоғини эса янада оширишга мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда электротехника саноати жадал суръатларда ривожланаётган бўлса-да, бугунги натижалар хотиржамликка асос бўла олмайди. Шу маънода, саноатни модернизациялаш ва диверсификациялаш, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асносида ички ҳамда ташқи бозорда рақобатдош, замонавий электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш бундан кейин ҳам "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар олдидаги устувор вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

**Абдурашид МИРЖАЛИЛОВ,**
**«Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компанияси бошқарма бошлиғи.**

## ЭЪТИРОФ

**Фальк ПОРШЕ,**
**Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ижрочи директори, "Falk-Porsche-Technik GmbH" компанияси бошқарувчиси:**

— Ўзбекистонда электротехника саноатининг ривожланиш суръати ҳар қандай хорижлик инвесторни ҳайратга солмай қолмайди. Чунки жуда қисқа вақт ичида кўплаб замонавий корхоналар ишга туширилиб, халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган маиший техника буюмлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Мамлакатингизда саноатнинг мазкур тармоғи истиқболи учун улкан имконият ва захиралар мавжуд. Қолаверса, қулай ишбилармонлик муҳити, чет эллик инвесторлар учун берилаётган имтиёзлар мени ҳам юртингизда бизнес лойиҳаларни амалга оширишга ундамоқда.

Ишончим комил, ҳамкорлигимиз рақобатдош ҳамда аҳоли талабларига мос сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг янада ортишига хизмат қилади.

**МИН Шин Вунг,**
**"Samsung Electronics Co. Ltd" компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари (Жанубий Корея):**

— Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг ишончли ҳамкоримиздир. Мамлакатингизда бизнес юритиш борасида хорижлик сармоядорлар учун барча шарт-шароит яратиб берилгани туфайли компаниямиз томонидан электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича бир қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда. Табиийки, бу жараёнда юртингиздаги ёш кадрлар салоҳияти юқорилиги қўл келаяпти. Касб-ҳунар коллежини тугатган ёш йигит-қизлар замонавий технологияларни бемалол бошқаришаётгани мени ҳайратга солади. Шу боис келгусида Ўзбекистонда электротехника саноати янада ривожланишига шубҳа йўқ.


# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

*жаҳондаги ривожланган давлатларнинг етук таълим муассасалари ўқув жараёнларининг қиёсий таҳлили ҳамда замонавий илм-фан ютуқлари ва илғор педагогик технологиялар асосида яратилган янги авлод ўқув-режа ҳамда дастурлари бўйича 2016/2017 ўқув йили учун қуйидаги бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига*
*ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.*

| | БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ |
|---|---|
| 5111300 | Она тили ва адабиёти (рус тили ва адабиёти ўзга тилли гуруҳларда) |
| 5111400 | Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) |
| 5120100 | Филология ва тилларни ўқитиш (инглиз, немис, француз, испан, рус, хитой, япон) |
| 5120200 | Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича) |
| 5220100 | Журналистика (фаолият турлари бўйича) |
| | МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ |
| 5A111401 | Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили) |
| 5A120101 | Адабиётшунослик (инглиз адабиёти) |
| 5A120102 | Лингвистика (тиллар бўйича) (рус, инглиз, француз, немис, испан, хитой) |
| 5A120201 | Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) |
| 5A220101 | Журналистика (фаолият турлари бўйича) |
| 5A220102 | Халқаро журналистика (фаолият турлари бўйича) |

**Ҳужжатлар 2016 йил 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Заковат кўчаси, 4-уй. Телефон: (0-371) 271-53-50.**

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига топшириладиган ҳужжатлар, қабул квоталари ёки сизни қизиқтирган бирор савол юзасидан ўзингизга керакли барча маълумотни қуйидаги контактлар орқали ҳам билиб боришингиз мумкин:**
**Университет расмий сайти: www.uzswlu.uz**
**Университетнинг Telegramдаги расмий канали: @UZSWLUofficial**
**Facebookдаги расмий саҳифаси: facebook.com/uzswlu.uz/**

983A/445



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

амкодор

# «AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

Беларусь «AMKODOR» машинасозлик холдингининг Ўзбекистондаги расмий дистрибьютори

Олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар | Борти айланадиган юклагичлар | Автогрейдерлар | Ўзиюрар ғалтакли машиналар



БЕЛАРУСЬ ЙЎЛ-ҚУРИЛИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, МАИШИЙ ХИЗМАТ ВА МАХСУС ТЕХНИКАСИ

Юклагичли экскаваторлар | Канал тозаловчи экскаваторлар | Фрезерли машиналар | Санчқили автоюклагичлар



Маҳсулот сертификатланган.

156R/901

Тел./факс: (+99871) 283-42-18, тел.: (+99871) 283-42-17. Моб.: (+99890) 355-48-85, (+99894) 669-29-71.
100005, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 8 Март к., 57-уй. e-mail: amkodortashkent@mail.ru, ajle@mail.ru www.amkodor.uz, www.amkodor.by



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 767. 75 926 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5 6